


ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

* * * № 5 (184) * * * 2010 YIL, MAЙ * * *

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MART DAN CHIQA BOSHLAGAN

БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага хурмат, бир-бирини қўллаб-куватлаш, бир-бирининг ютуғидан кувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар айнан болалиқда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Болаларга инсонпарварлик, ҳалқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.

Ислом КАРИМОВ.

УНИВЕРСИАДА -2010

ИШОНЧНИ АПБАТТА ОҚЛАЙМИЗ!

Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган Универсиада ўйинларига спортчи талаба ёшларимиз қизғин тайёргарлик кўришмокда.

23 апрель куни институтимиз Маданият саройида Универсиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланма олган спортчилар билан Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов учрашув ўтказди.

Учрашувга Жиззах политехника институти, Жиззах Давлат педагогика институти раҳбарлари, спорт усталари, мураббийлар, ҳомийлик қиливчи етакчи корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари таклиф қилинди.

Жиззах Давлат педагогика институти ректори, профессор О.Дўсматов Универсиадага тайёргарликнинг бориши ҳакида ахборот берди.

Бу йилги Универсиада ўйинларида 12 спорт тури бўйича 131 нафар спортчи талабалар Жиззах вилояти шарафини химоя киладилар. Уларга 12 нафар мураббий ҳамроҳлик қиласи, ҳакам сифатида йўлланма олганлар сони ҳам 12 нафарни

ташкил этади. Шу кеча кундузда ҳар иккала ўқув юрти спортчи талабалар қизғин машқ устида. Машгулотларни тажрибали устоз ва мураббийлар ўтказмоқдади.

Вилоят ҳокими С.Исмоилов спортчи талабалар, мураббийлар, федерация раислари, ҳомий ташкилотларининг раҳбарлари билан юзма-юз мулокотда бўлиб бундан аввалги Универсиада натижалари билан қизиқди, бу йилги мусобақаларда Жиззахлик ёшлар камида кучли олтилик қаторида бўладилар. деб умид билдириди. Ўз навбатида мураббийлар ва спортчилар вилоят ҳокимининг бу ишончини оклашга, катта ғалабалар билан қайтишга сўз бердилар.

"Жиззахдон", "Жиззахнефть", "Дўстликдон" ОАЖ, газлаштириш ва электр тармоқлари ҳамда пахта тозалаш, "Иккимамчикораметалл" ва бошқа кўплаб етакчиларидан.



чи тармоқларнинг корхона ва муассасалари раҳбарлари Универсиада ўйинлари иштирокчиларига яхши шароит яратиб бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш вазифаси топширилди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш учун ғамхўрликни кучайтириш бундан бўён ҳам ҳокимликнинг диккат-этиборида бўлади, —деди вилоятимиз ҳокими. Спортчиларимиз бу ғамхўрликни катта ишонч, ва айни чоғда юксак масъулият сифатида қабул қилдилар. Бу ғамхўрлик уларга қанот бағишлиди, десак муболага бўлмайди. Бугунги кунда ҳар бир спортчи ва мураббий қалби ана шу юксак ишончини оклаш, қадрдан институтига ғалаба билан қайтиш иштиёқида ёнмоқда.

А.ШАРИПОВ

Сурʼатларда: "Универсиада—2010" иштирокчилари машгулот ўтказиша янти.

T.Турдиев олган суратлар.



АХБОРОТ ҚИСҚА САТРЛАРДА

Табиатшунослик факультети география ва иқтисодий билим асослари йўналиши I-IV курс талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари иштироқида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" ва "Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиётни ва ҳалқимиз фаронсонигин юксалтиришдир" маърузалари мазмуни ва улардаги хуласаларни ўрганиш бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Шундай семинар-тренингларни май ойида ҳам институтнинг барча гурухларида ўтказиши режалаштирилган.

Институтимизнинг талабалар турар жойида Абдулла Қодирий таваллудининг 116 йиллигига бағишилаб адабий-бадиий кечা бўлиб ўтди. Тадбир ўзбек тилшунослиги кафедраси ташаббуси билан ўтказилди.

Ўзбек филологияси факультетининг 2-босқич талабалари "Маънавият куни"да шахримиздаги ўлқашунослик ва Хамид Олимжон музейларига ташриф буюрдилар ва Жиззах тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина маълумотларга эга бўлдилар.

Институтнинг Маданият саройида соҳибкорон Амир Темур таваллудининг 674 йиллигига бағишилаб анжуман ўтказилди. Ўқитувчилардан профессор Ф.Ахмедшина, доцент М.Пардаев, катта ўқитувчи С.Назарқосимовнинг маърузалари тингланди.

Мусиқий таълим йўналиши талабалари томонидан тайёрланган концертни талабаларимиз мириқиб томоша қилдилар. Даструни "Мусиқа назарияси ва услубияти" ва "Чолғу асборлари ва анъанавий ижрочилик" кафедраларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари тайёрладилар.

Талабалар турар жойида Ўзбекистон ҳалқ шоири Мухаммад Юсуф ижодига бағишиланган адабий-бадиий кечা ўтирилди. Унда ўзбек филологияси факультетининг ўқитувчилари маърузалар билан чиқдилар.

Мухаммад Юсуф ижоди асосида тайёрланган адабий-музикӣ композиция ва шоир асарларининг кўргазмаси на мойиш этилди.

• 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



МАЙ –

Хотира ва қадрлаш куни

Фаҳрийларниң талабалар
билин учрашуви

“Баркамол авлод йили” ва 9 Май – “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами муносабати билан Жиззах шаҳрида яшовин Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари Ҳолмурод Ҳакимов ва Низом Сувонкулов билан профессор-ӯқитувчилар ва талабаларниң учрашуви бўлиб ўтди.

Институт маънавий-маърифий ишлари проректори, доцент А.Тангиров 9 Май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иккинчи жаҳон уруши галабасининг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги фармони ҳақида гапиди.

Фаҳрийлар урӯш йилларидағи воқеаларни ҳикоя қилиб бердилар. Айни пайтда ҳозирги кунда ёшларимиз яратилётган шарт-шароитларнинг қадрига этиш лозимигини утиридилар.

Учрашува сўзга чиқсан талаба-ёшлар бугунги осойишта хаёт, фарвонлик эвазига янада яхши ўқиш, илм ўрганиш ва мустакил Ўзбекистонимиз ривожига хисса кўшиш учун ваъда бердилар.

Институт касаба уюшмалари кўмитаси тўмонидан уруш фаҳрийларига раҳбарияти ва қимматбаҳо совгалир тақдим этилиди.

Ф.ҚЎШНАЗАРОВ.

Хотира уйғонса гўзал



Эшмирза Ҳамзаев 1975 йилдан Жиззах Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ишга қабул қилинди. Устоз дастлаб олий математика кафедрасида лаборантлик лавозимида иш бошлаган. У ўқишдан, изланишдан ҳеч қачон чарчамас эди. Ёш олим Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси математика институтида аспирантурада таҳсил олгандан сўнг Жиззах Давлат педагогика институти Олий математика кафедрасида ӯқитувчи, катта ӯқитувчи сифатида фаолият кўрсатди.

Эшмирза Ҳамзаев ўқишда талабаларга, ӯқитишда эса ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан эди. Институтнинг барча жамоат ишла-рида фаол иштирок этар эди. У жамоаси, дўстлари, ҳам-каслари ва шогирдлари орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор эди. Устоз оиласда ота-онага ғамхўр фарзанд, умр йўлдошига садоқатли ёр, фарзандларига меҳрибон ота эди. Фарзанд тарбиясини доимо биринчи ўриндаги вазифа деб билар эди ва ўғил-қизларини тарбиялашда маънавияти бой комил инсон бўлишга, ўқиб имлли бўлиб эл корига ярайдиган бўлиб камол топишларига ҳаракат қиласди. Ана шу меҳнатнинг самараиси бугунга келиб ўз натижасини берган. Қизи УмидаМаматқуло ва институтимизнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” кафедрасида ӯқитувчи, ўғли Ҳақберди Ҳамзаев “Умумий физика” кафедрасида ӯқитувчи ҳамда физика-математика факультетининг ўқув ишлар бўйича декан ўринбосари, қизлари Мунира ва Машхура ӯқитувчиси, ўғли Үрол Ҳамзаев ички ишлар ходими бўлиб ишлаб келмоқда.

Устоз жуда қисқа умр кўрди. У атиги 51 баҳорни карши олди. Математиканинг “Сонлар назарияси” бўйича номзодлик диссертациясини якунлаб, ҳимоя қилиш арафасида турган Э.Ҳамзаевни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Гарчанд устоз қисқа умр кўрган бўлсада, ана шу вакт мобайнида йилларга татигулик улкан ишларни қилиб кетди. Оллоҳ томонидан берилган умри нинг ҳар бир лаҳзасини фақат эзгулик ва яхшилик йўлида сарф қилган устоз Э.Ҳамзаев ҳам-каслари, шогирдлари қалбida мангу яшайди. Шу ўринда шоир А.Ориповнинг куйидаги сатрларини эсладим:

Оқсан сув ортига жемагай
қайтиб,
Ўтган жойни лекин айлагай
жаннат.
Сиздан қолган ном бу –
шогирдлар ажиб,
Сиздан қолган ном бу – ҳеч
учмас ҳиммат.

Адҳам ЁҚУБОВ,
физика-математика
факультети талабаси.

Иқтисодий юксалиш ва барча жабхалардаги тараққиётнинг бирламчи омили шу ерда яшовчи фуқароларнинг илмий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Юкори билим даражаси ижтимоий ва иқтисодий жабхаларнинг ривожланишига туртки берувчи кучдир. Дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлишга интиладиган ҳар қандай жамиятда изланувчан, билим даражаси юқори ва тўғри фикрлашга қобил инсон асосий бойик сифатида тан олинади. Афсуски, бугунги кунда ҳамма ҳам шундай фикрлайди, дейиш кийин. Бунга мисол тариқасида қўшини Тожикистонда бўлаётган воқеаларни олсан бўлади. Ҳозирги пайтда Тожикистоннинг олий ўқув юртлари талабасининг кўлида Рофун ГЭСига тегиши акция бўлмаса у имтиҳонларга киритилмаяпти. Бундай шайтоний ўйинлардан азият чекаётган талабаларнинг молиявий аҳволи эса кундан кунга ёмонлашмоқда.

рига ҳам кўл сукишмоқда. Кунини зўрга ўтказаётган бу шўрликларнинг аҳволи эса ҳеч кимни қизиқтирмаляпти. Мамлакат президенти Тожикистоннинг порлок келажагини ёшларнинг билимли, ақл-заковати ва ҳар томонлама етуклигига эмас, факатгина мамлакатнинг мустақиллигига кўраётгандир балки...

Ижтимоий фанлар бўйича талабаларга сабоқ берадиган Шаҳноза Файзиева талабалар ҳаётига баҳо берар экан, уларнинг келажаги танлаган касбларига оид

талабалар голиб бўлдилар.

Шунингдек Зулфия Хайитова энг сочи узун, Ирода Очилова энг майда ўрилган соч номи-нациялари бўйича биринчиликни эгалладилар.

Кўрик танлов ғолиблари ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган соввалар ва фаҳрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танловда институт маънавий-маърифий ишлари проректори А.Тангиров, касаба уюшмалари кўмитаси раиси К.Исаев, хотин-қизлар кенгаши раиси З.Абдувалиева, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Ф.Акчев иштирок этдилар.

Г.АҲМАДОВА,

“Зиё чашмаси” мухбири.

Суратда: Атлас сайли иштирокчилари.

ТАЛАБАГА ТЕККАН
РОФУН ҚАРФИШИ

Мустақил эксперт Хожиакбар Мирзоев тоҳки талабаларни шусиз ҳам кўплаб муаммолар қийнаб келаётгани ҳакида фикр билдири. “Коррупциянинг мамлакатимизда мустаҳкам илдизга эга бўлгани, кундан кунга тараққий топаётгани оқибатида у бугунги кунга келиб таълим тизимини ҳам буткул эгаллаб олди. Имтиҳон сессияларидан эсон-омон ўтиб олиши учун талабадан домлалари 300 сомонийдан ҳам кўпроқ пора талаб қилишмоқда, бу пул камида 100 АҚШ долларига тенг келади. Мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ва чекка ҳудудларида яшовчилар учун олий ўқув юртларида ӯқиш ушалмас орзу ва ортиқча дабдаба сифатида тан олинниб бўлди. Колаверса ӯқишга кириш учун топшириладиган имтиҳонлар пайтida талаб этиладиган порани бериш кувватига эга одамни чекка ҳудуд-

ларимизда топиб бўлибсиз. Айниқса, талаба қизларга жуда оғир бўлмоқда. Чунки, билим юртларимиздаги профессорлар ва ӯқитувчилар талаба қизларни ўзлари билан жинсий алоқа килишга мажбурашмоқда”, –дейди эксперт.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакат раҳбариятининг ўйламай кабул қилаётган қарорлари Тожикистоннинг талаба ёшлари ҳаётida кўплаб муаммолар тудирмоқда. Уларни сув омборлари қуришига жалб килаётгандарни камдек, камига чўнтакла-

кенг билим олишида эканлигини, бунинг учун эса семинарлар, лекциялар, таҳрибалар, лаборатория ишлари муҳим ўрин тушишини алоҳида таъкидлади. “Афсуски, бугунги кунда талабаларни имтиҳонларга киритиш пайтида ва билим даражасига яраша баҳо қўйишида уларнинг билимига эмас, аксинча қўлларида Рофун ГЭСига акцияси бор-йўклигига карашмоқда. Кўлида шундай акцияси йўқ талаба имтиҳонга умуман киритилмаяпти. Бундан ташкири уларни мажбурий тарзда кури-

лиш ишларига жалб этилаётганларни ақлни лол қолдиради. Шу мухитда таълим олаётган талабанинг тарбияси эртага қандай бўлиши ҳам бизни ташвишга солмоғи шарт. Талабалар қўлида кўпроқ акцияси бўлса ўзига имтиёзлар берилшини ва имтиҳон дафтарасига аъло баҳолар кўйилишини яхши билгани боис ўкишга ҳам, чукур билимга эга бўлишга ҳам интилмай кўйган. Мамлакатнинг эртаги куни шу ёшларга боғлик эканлигини шу қадар унтиш мумкини? Эртага мамлакат кайси йўл билан ривожланшини шу ёшлар ҳал қиласдику, ахир?! Уларга турли йўллар билан муаммолар тудирилаверса, ўз имкониятларини яратишларига, салоҳиятларини оширишга турли тўсиқлар кўйилаверса, эртага улар чет элларда ўзларини юзага чиқариш учун, албатта ватанларини ташлаб кетадилар”, –дейди куйиниб Ш.Файзиева.

Тожикистоннинг олий билим даргоҳларидағи бугунги воқеалик, ҳақиқатан ҳам ташвишли тус олған. Мамлакатда таълимтарбия тизимининг меъёрида ишлашига пораҳурлик, домлаларнинг ўз талабаларига таъсис этиладиган порани бериш кувватига эга одамни чекка ҳудуд-

Хамид ТУРСУНОВ,
Манба – Центр-Азия сайти.

ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРАЙЛИК

Институтимизда вилоят ҳоқимлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят бўлими, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах миңтакавий ахборот-тахлил маркази ҳамкорлигидаги "Худуддаги экологик вазият: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Олий мажлис Конунчилик палатаси депутати Ойбек Мамарахимов ушбу мажлисда сўзга чишиб куйи палатанинг "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари" ќумитаси томонидан олиб борилётган ишлар, мамлакатимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш дастури ва уни бажариш борасидаги вазифалар ҳақида гапиди.

Ушбу анжуманинг айнан талабалар иштироқида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Экологик таълим, экологик маданият ҳар бир талаба фао-

лигининг негизидир. Анжуманда экологиянинг бир бўлғи бўлмиш ичимлик суви тўғрисида қизиқарли, ачинарли далиллар келтирилди. Берилган маълумотларга кўра вилоятимизда ичимлик суви факатигина ер ости суви хисобидан кондирilar экан. Юза сувлари мансаби вилоятимиз худудида кам миқдорда. Борлари ҳам саноат ва кишлок хўжалиги хисобидан ифлосланмокда. Сув экологик савиаси паст бўлган аҳоли томонидан беҳуда сарф килинётганлиги таъкидлаб ўтилди. Вилоят "Сувокова" ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиги ўринбосари Парда Шукуров "Сув ресурсларининг бугунги кундаги муаммолари ва ечимлари" мавзусидаги маърузасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, Жиззах шаҳрида сув тармоқларини янгилаш, сувни қайта ишлашин ўйлга кўйиш масалаларига асосий ётибор

каратишишимиз айтиб ўтди. Мавжуд сув ресурслари, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, юзага келадиган сув танқислиги, сугориш тизимининг ишдан чиқиши билан боғлиқ масалалар, тупроқ ресурсларини асраб авайлаш, бу борада жамоатчилик ва соҳа мутахассислари томонидан килинётган ишлар тўғрисида институтимиз катта ўқитувчилидан Юсуф Усмонов, Тўлқин Мирзаев қилган маърузалар кўпчиликни ўйлантириб, мушоҳада юритишига унадди. Анжуманда кўриб чиқилган долзарб масалалардан яна бирин вилоятимиз туманларидан бирин бўлган Фаллаорол туманидан оқиб ўтётган "Шўрбулоқ" деб номладиган каналга турли заҳарли чиқиндиларнинг оқизилиши ўша худуд аҳолиси учун бирор бўлсада салбий оқибатлар кўрсатилётганлиги бўлди.

Экологик маданиятни ҳар бир талаба чукур ўрганиб чиқиши

табиат инъомларидан оқилона фойдаланишга катта туртки бўлади деб хисоблаймиз. Табиатшунослик факультети ўқитувчилири билдирган фикрга ҳам қисқача тўхтаб ўтишимиз мақсадга мувоғик бўлади. Уларнинг таъкидлашча вилоятимиз чўл зонасида ер ости сувларининг капилияр кўтарилиши хисобидан сув таркибидаги тузлар тупроқ юзасига чиқиб колаяти. Биз табиатшунос ва экологлар бу холга ҳарши зарур чора тадбирлар кўриб чиқишимиз зарур. Акс ҳолда келажакда ечимни топиб бўлмайдиган экологик муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Семинарда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б.Мамажонов сўзга чиқди.

**А.САФАРОВ,
Д.МАТМУРОДОВА,
биология ва ҳаётий
фаолият ҳавфсизлиги
йўналиши талабалари.**

ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАНИНГ ИШИ

Истиқолол ийларидан мамлакатимиз тубдан ўзгарди, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод масканга айланмоқда. Айниқса ёшларга таълим тарбия берадиган ўкув даргоҳларининг моддий-техника базаси янада яхшиланниб, энг замонавий ўкув қуроллари ва жиҳозлари билан таъминланди. Бирор, эришган ютукларимизга соя солувчи иллатлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай иллатлардан бири гиёхвандликдир. Минг афсуски, айрим ёшларимиз бу оғу ортида қандай оғат ётганлигини чукур англаб етмайдилар. Гиёхвандликка ҳарши юртимизда бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Инсти-

OFU

ортидаги оғат

тутимизда "Гиёхвандлик аср вабоси" мавзусида ўиғилиш бўлиб ўтди.

Ииғилишда вилоят СПИД марказидан, ички ишлар бўлимидан ва яна бир қатор тегишли ташкилотларнинг мутахассислари қатнашдилар. Маънавий-маърифий ишлар проректори А.Тангиров сўзга чиқиб "Ҳар бир талаба, ҳар бир ота-она, маҳалла ахли, ҳар бир фарзанд бу иллатга карши курашишни ўзининг доимий вазифаси деб билмоғи, фарзандларимиз, талабаларининг бўш вақтини фойдаланишга иштирокчиси ва ташкилотчиси бўлсан онага иштаган ва уни келажак авлодга етказган бўламиз.

**Дилбар ИЛЁСОВА,
биология ва ҳаётий фаолият
ҳавфсизлиги йўналиши талабаси.**

Суратларда: талабалар тўплаган чўл ўсимликларидан намуналар.

ЁШ ТАДКИҚОТЧИЛАР МИНБАРИ

Чўлъанаётган чўллардан бирин Қизилкўм чўли бўлиб, унинг ҳозирги аҳволи олдиндагисига нисбатан ёмонлашиб бормоқда. Қизилкўм чўлида минг-минглаб қўйлар, туюлар бокилади, ноёб ва фойдали хайвонлар яшайди, ер бағрида катта нефть, кўмир, газ ва бошқа фойдали қазилма конлари бор. Антропоген омиллар таъсирида воҳалар чўлга айланмоқда, ўсимликлар камайиб бормоқда, улар турлари ўзарига сифати бузилмоқда, туррокларни шўр босиб, бъязан табиатта катта зарар ҳам етмоқда. Буларнинг олдини олиш, чўл табиатидан оқилона фойдаланиш ўйллари ҳар томонлама ўрганилиши, тегиши тадбирлар амалга оширилиши керак.

Инсоннинг чўл ўсимликларига салбий таъсири хўжаликнинг нотўғи юритилиши оқибатида келиб чиқади. Чўл ўсимликларига асосан қуидагилар салбий таъсири кўрсатади:

Чорва молларини кўплаб тартибсиз бокиши. Баъзи жойларда чорва моллари күдуклар атрофида кўп тўпланиб, ўсимликларни пайхон қилади. Кўпинча озука

бўладиган ўсимликлар ўрнига исириқ (Репантум L) кўпайиб кетиб яйловни ишдан чиқаради.

Ўсимликларни ортиқча кесиб, ўриб олиш. Агар чўл ўсимликлари кўплаб кир-

мумкин. Шу сабабли ўсимлик қопламини айниқса дарахт ва бута ўсимликларини сақлаб қолиш билан бир қаторда дарахтзор ва бутазорлар барпо этишга алоҳида ўтибор бериши керак. Ўсимлик қопламини ўзгариши хайвонот дунёси, тупроқ жараёнларига, ер ости сувларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Хеч бўлмагандан чўлларнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш зарур.

Ана шу талаб ва вазифалардан келиб чиқадиган бўлсан, биз талаба-ёшлар, яъни бўлаҗак педагоглар ҳар биримиз табиатни арасиши ва уни бойитишига ўз хиссамизни кўшишимиз лозим. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришдан ташқари ўзимиз ҳам шу муқаддас ишнинг бевосита иштирокчиси ва ташкилотчиси бўлсан она табиатни арасиши ва уни келажак авлодга етказган бўламиз.

**Дилбар ИЛЁСОВА,
биология ва ҳаётий фаолият
ҳавфсизлиги йўналиши талабаси.**

Суратларда: талабалар тўплаган чўл ўсимликларидан намуналар.



ФАН ТЎГАРАКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Улар ўзларини қизиқтирган саволлари, тақлифлари, бугуннинг энг долзарб иқтисодий масалалари юзасидан Фикрлашиб, баҳолашадилар.

Тўгаракнинг наъватдаги йигилишида тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоилов машгулотни

чиқиб бориши учун сўзни фа-культет декани, профессор Х.Мавлоновга берди. У тўгаракнинг ўз вақтида ташкил этилганлиги ва бунга талабаларнинг иштиёқи баландлигидан мамнунлигини айтиб, тўгаракнинг келгуси ишларига муваффакият тилади ва унинг фаолияти янада ривож топшишига ишонч билдириди.

Шундан сўнг кун тартибидаги мавзу бўйича 408-гурух талабаси Наргиза Комиловага сўз берилди. Ёш иқтисодчиларда тўгарагининг бугунги фаолияти буниг ўқиши бўлиб, жорий ўкув йилида тўгаракка 120 нафар талаба аъзо бўлиб,

маъруза қизиқарли бўлиб, талабалар томонидан жуда кўплаб саволлар берилди. Саволларга маърузачи батағсил жавоб берди. Шундан сўнг иқтисодид учун долзарб хисобланган бу мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоиловлар қизиқарли Фикрлар билан асослаб бердилар. Бундан ташқари талабалар жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида республика мавзунинг очилмаган кирралари ва ҳозирги кундаги аҳамиятини "Иқтисодий билим асослари" кафедраси мудири доцент Ш.Хидиров ва тўгарак раҳбари, ўқитувчи Ж.Исмоилов

ТАЛАБАЛАР МУППОПРАСИ

ДИЛДАГИ ОХИМ

Баъзан орзуладан кечаркан киши,
Хатто юрак амрига тураркан карши.
Бир мақсад амалга ошиши учун,
Түрги келар ўз баҳтини курбон килиши.

Эй менинг юрагим тубида ётган,
Яширин ва аммо гўзл туйғулар.
Мени ҳаёт уммонига отинглар майли,
Майли, мени тамоман чулғасин ўйлар.

Хаёт сен ҳам мени сина минг бора,
Калбимни баҳттамас, гамга ташлагин.
Вужудим ҳар дарддан бўлса ҳам пора,
Аямагин тақдир кўпроқ қийнагин.

Факат айрмагин мени бир дарддан,
Оллоҳим мен учун берган неъматдан.
Юрагим тубида яшасин майли,
Мунгли армон бўлиб ушалмас баҳтдан.

Үйларим тинч қўймас мени бир муддат,
Вужудим ўртайди ўша оғир дард.
Саволлар йўл бермас менга бир қадам,
Ўйлайман ҳаёлим доим бўлар банд.

Барно Жумаева,
инглиз тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

ОРЗУ ТОНГИ

Чикиб келар қуёш тоглар ортидан,
Аста-секин оппоқ тонг отар.
Сокин тонг ҳар бир юракда,
Ажид гўзал ҳислар уйғотар.

Осмон ёрқин ҳамда мусаффи,
Нурафшон ҳар кун муборак.
Табиат алла каби таратар наво,
Эзгу орзуладан беради дарак.

Отган ҳар тонг қайтмас, бетакрор,
Уни мазмунли ўтказмоқ керак.
Ҳаёлда қайта-қайта ўйламай такрор,
Орзуладни ўйёбга чикармок керак.

Йиллар ўтиб чексиз орзулад ила,
Яхшилар етади ўз муродига.
Хар ким ўрнин топиб яшайди,
Бахш айлади баҳт ҳаётига.

ЧИН ДЎСТ

Дунё бунча азобинг ёмон,
Орзуладар кўп, ушалиш гумон,
Дўст терингта тиқади сомон,
Дилни фақат ўртайди армон.

Гоҳо кесақдан ҳам чиқар экан ўт,
Неки фаминг бўлса факат ичга ют,
Дардлашсанг чин дўстла фам бўлар унут,
Аммо ҳасратдош дўст топмоғинг гумон.

Камола ҲАЙИТБОЕВА,
тасвирий санъат ва
муҳандислик
графикаси
йўналиши
талабаси.



АКАЖОН

Акажон сиз танҳо ўқтамсиз,
Меҳрли қалбингиздан тараалар зиё.
Ўзбек ўғлонлари ичра кўркансиз,
Сиз билан баҳтли гўзалдир дунё.

Қалбингизда доим Оллоҳ ягона,
Ўз паноҳида асрайди ҳар дам.
Дуога қўл очса муниса она,
Чекинар ортига қайфула алам.

Тилагим ушалсин сиз килган орзу,
Қалбингизни элтар эзгулик томон.
Юзингиздан ҳеч кетмасин кулгу,
Севинч улашувчи бўлинг бир инсон.

Ватан остонасига қўйганда қадам,
Йигитлик шарафин оқламоқ лозим.
Юксак мартабага эришганда ҳам,
Она сийнасига сиз қилинг таъзим.

Дилдора ИНОМОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

“ЗИЁ ЧАШМАСИ” ТАҲРИРИЯТИГА ХАТ

Бугун ҳар томонлама ривожланган замонавий таълим-тарбия олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган даврда биз талабалар хеч қийинчилксиз таълим олмоқдамиз. Биз будавр билан фаҳрланиб унинг қадига етмоғимиз зарур. Бироқ қуёш бор жойда соя ҳам бўлуди деғанларидек, шунча имкониятлардан ҳам оқилона фойдалана олмаётгандар ёки буларни оёқ ости қиласётгандар ҳам минг афсуски оз бўлсада учраб турибди. Улар ўзлари таълим олаётган жойини нақадар мукаддаслигини, биздан олдин ҳам бу даргоҳда не-не улуг инсонлар таҳсил олгани, бундай шароитларни яратишда эса институтимиз раҳбариётни қанчалик заҳмат чекканини унтиб қўйган кўринади.

Буни ўкув хоналари парталари, энгиллар, ҳаттоқи деворларда акс этган, киши таъбини хира этадиган кўш тирниж, ичидаги “ижодкорлик” намуналаридан кўришимиз мумкин.

Маъруза соатлари ўқиладиган хоналарига кириб ўкув парталарига назар ташласангиз, унди ёзувларни кўриб ғазабингиз қўзийди.

Кузатишлар натижасига кўра бу ишлар кўйи курсларда кўпроқ кузатилар экан. Буларни бирор бўлсада бартараф этиш мақсадида институтимиз талабалари шанбаликлар ўютириб йўқотишига мусассар бўлган эди. Аммо номини партага ва деворларга муҳрламоқчи бўлган “шуҳратпараст” тенгдошларимиз яна пайдо бўлган кўринади. Айниқса бу илат ўғил болалар орасида оммалашмоқда. Бу уларнинг маданиятсизликадан далолат эмасми? Бизнинг

институтимиз Республикаимизда ўзининг ҳар томонлама ободлиги, талабаларнинг одоб аҳлоқи, таълим тарбиянинг етарли даражада олиб борилиши билан ажралиб туради. Лекин юқоридаги каби кўринишлар барчамизга мукаддас бўлган институтимиз обрўига салбий таъсир

—Бизга арзимас кўринган муаммо бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар, ота-оналаримиз, қоловерса мўтабар устозлармиз кўнглида қандай ўйлар ўтишини тасаввур этайлик. Биз етакчилар доимо хушёр туриб бундай ҳолатларни вақтида бартараф этишимиз даркор. Ахир

«ИЖОДКОРЛИК»НИНГ паргадаги акси ёхуд маданиятсизлик

этиши мумкин. Барчамизнинг хабаримиз бор, институтимиз “Камолот” ЁИХ ҳам бу борада етарлича тушинтириши ишлари олиб бормоқда ва тинимсиз ишламоқда.

Яқинда етакчи талабалар, гурӯҳ сардорлари ва фаоллари билан бўлиб ўтган йигилишида айнан шу ва бошқа муаммолар устида баҳс юритилди. Йигилишини институтут “Камолот” ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Ф.Ақчаев олиб борди ва куйидаги фикрларини айтib ўтиди.

бу даргоҳ барчамиз учун мұқаддас даргоҳ уни авайлаб асрash ҳар бир талабанинг олий бурчи эканлигини англатмогимиз керак.

Шундан сўнг Физика-математика факультети “Камолот” ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Бойтемир Ризаев сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтиди:

-Биз барчамиз акли, ўзлигимизни англаб етган, ўзимизни бошқара оладиган ёшдамиз. Юқорида таъқидлаганидек, бу мұқаддас

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдуяла Кодирий номидаги
Жиззах Даъват педагогика
институти

Бош мұхаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган катлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга
кайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нукти назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатта олинган.

Босишига топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ
кӯчаси, Абдулла Кодирий
номидаги Жиззах

Давлат педагогика институти.

«Zamin Print» МЧК босмахонасида оғсет усулида 5600
нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжой
кӯчаси, 4-йй. Буюртма № 145. Shakl-A-3.

ФИКР

ХАЁ— ИНСОН ЗИЙНАТИ

Инсонда бир гўзал ҳислат борки, у йўқолса, биз маънавий қашшоқ бўлиб қоламиз. Бу хислат “хәё, ибо” деб аталади.

Хаё—иймоннинг бир бўлгидир, у иймоннинг сайқал топшида мухим ўрин туади. Қайси бир кишининг ҳәёси кули бўлса, унинг иймони ҳам бақувватдир.

Халқимизда иймонсизда ҳәё, ҳаёсизда иймон бўлмайди, деб бежиз айтилмаган.

Аллома И мом Абдулҳасан ал-Моваридий ҳаёни уч кисмга бўлган: “Билингк ҳаё уч ҳил бўлади: Аллоҳдан ҳаё қилиш, одамлардан ҳаё қилиш ва инсон ўзидан ҳаё қилиш”.

Бугунги кунда айрим ёшлиари миз, ҳатто талабаларимизда шарм-у ҳаё бироз саёзлашгандек туюлади. Ҳаёсиз одамдан эса андишасизлик, юзислик, виждансилизлик юзага чиқаверади. Бир сўз билан айтилганда ҳаё иймоннинг таянчи бўлиши билан бирга инсоннинг зийнати ҳамдир. Шу ўринда И мом Абдулҳасан ал-Моваридий ҳазратларининг фикрларини изоҳлаб ўтишини жоиз деб топдим: аллоҳдан ҳаё қилиш — бу унинг барча амларига бўйсуниб, итоат килиш ва ман этган нарсаларидан қайтишдир. Одамлардан ҳаё қилиш — ҳалол ва ҳаққоний ҳаёт кечириш. Ўзидан ҳаё қилиш эса шундай бўлиши керакки, кейинчалик қилган ишидан виждан азобланмасин. Мен тенгдошларимга ана шу алломанинг доно сўзларига доим амал килишларини ва бу хислатлар баркамоллигимизнинг мухим белгиларидан эканligини ўтиримокчи эдим.

Гулҳаёхон ИНОМОВА,
инглиз тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

даргоҳ бизга таълим-тарбия бериб келажакда ёш авлодни тарбиялайдиган тарбиячи қилиб етишитиради. Аммо орамизда басыз бир тенгдошларимиз ўзларининг тарбиясизлигини намоён этмоқдалар.

Азиз тенгдошлар! Биз шундай мустақил, эркин, тинч, фаровон юрт фарзандларимиз. Бу дамларни ота-боболаримиз орзу қилишган. Шукулар бўлсинки, ота-боболаримиз чеккан заҳматлар зое кетмади, аждодларимиз орзу қилган кунларда бизлар яшяпмиз. Ҳукуматимиз биз ўшларга қанчадан-қанча имкониятлар эшигини очди ва юқсанч билдириди. Берилган имкониятлардан етарлича фойдаланиб, эл ишончини оқлаш-биз фарзандлар учун ҳам фарз ҳам карз, деб ўйлайман. Шоядик юқоридаги сўзлардан айрим тенгдошларимиз ўзларига етарли хуносани чиқарип олсалар.

Зуҳра ИЗЗАТОВА,
физика-математика
факультети “Камолот” ЁИХ
бошлангич ташкилоти
етакчиси.